



Нуктаи назар

“

Миллий қонунчиликка эса “Боланинг энг устун манфаатлари” тушунчасини киритиш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асослар тақомиллаштириляпти.



Оилалар тотув бўлса, жамият мустаҳкам бўлади

Тарих ва ҳозирги замон нуктаи назаридан жуда қисқа, ўз навбатида, мураккаб давр — кейинги тўққиз йилда катта таракқиёт йўлини босиб ўтдик. Ўзбекистон Президентининг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайттирдик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Асосийси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.



Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” деган тамойил ҳаётга изчил татбиқ этилмоқдаки, бундан ҳеч бир юрtdошимиз четда қолмапти. Бу тамойил, аввало, жамиятнинг энг заиф қатлами ҳисобланган хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ифодасини топаётир. Чунки аёллар ва болалар ҳуқуқлари таъминланмаган жамиятда адолат, барқарорлик ва тараққиёт ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Шу боис, мамлакатимизда

инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хусусан, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлиқнинг ҳар қандай ҳолатларига қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди.

Бу борада қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар ва қонунчиликдаги қатъий ўзгаришлар нафақат жабранувчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, айнаи дамда жамиятда зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳаётимизда учраётган айрим аччиқ ҳақиқатлар бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этипти. Чунки кейинги пайтларда қузатилаётган оиладаги таъзиқ ва зўравонлик ҳолатлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳамон огрикли нуктаимиз бўлиб қолаётгани сир эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бу каби муаммоларга барҳам беришга қаратилган билан аҳамиятли. Бунинг замирида аёлнинг қадр-қимматини тиклаш, боланинг бахтли улғайиши учун зарур бўлган ижтимоий-ҳуқуқий қалқонни яратиш гоёси мумкин.

Муносабат

Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодий барқарорликка эришиш, умуман, юртимиз манфаати учун хизмат қилади. Зеро, унда давлат ва жамиятнинг кенг қамровли ислох қилиш юзасидан барча соҳани янада тараққий эттириш бўйича стратегия қойлар, уларни амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шу боис, уни бахтли ҳаёт йўл харитаси десак, асло муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлашни таклиф қилди. Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатларини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланган. Бу эса давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Нубулли ажуаманда Президентимиз барча соҳа қатори қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини тақомиллаштириш масалаларига алоҳида тўғатлади. Одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этиш бошлангани, энди терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилиши, бу жараёнда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши ҳамда инсон омили иштироки қисқартирилиши маълум қилди. Чунки айтиш ўзгариш коррупциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг тергов жараёни ҳақида оворагарчиликсиз, тезкор маълумот олишига имкон беради.

Бундан ташқари, “Хабес корпус” институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи — тергов судьяларига 2026 йилдан санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартриш ҳамда бекор қилиш ваколатлари берилиши ҳам судга қадар иш юритиш босқичида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Қонунчилигимизда жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда қўриш чоғида қуриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақли экани, жамоат

бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлилиги белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир таклифи айнан одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва ролини кучайтиришга қаратилган. Энди жиноят процессига “Халқ вакиллари ҳайъати” институти босқичма-босқич жорий этилади. Бу жараёнда ўта огир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида қўриб чиқилади. Ўз навбатида, суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала суд қарори ижроси билан боғлиқ. Бу бежиз эмас. Чунки бу борада қўйлаб эътирозлар мавжудлиги кўпчиликка маълум. Шу боис, мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмлар киритилади ҳамда ушбу тизимга ҳам сунъий интеллект технологиялари жорий этилади.

Бугун энг долзарб муаммолардан бирига айланган ғиёҳхандлик ҳам Президентимизнинг эътиборида бўлди.

Ғиёҳханд киши нафақат ўзини, балки ён-атрофидаги яқинларини ҳам ҳалокат



Шаҳзод БАХТИЁРОВ, Жиноят ишлари бўйича Дехқонобод тумани суди раиси

гирдобига йўлиқтириши, ғиёҳханд моддаларни истеъмол қилиши натижасида шахснинг муомала лаёқатининг чекланиши, унинг оқибатида эса ҳатто ўз мол-мулкни тасаруф этиш ҳуқуқидан мосуво бўлиши, обрўси ва шанъига путур етиши айнаи ҳақиқат.

Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар имкониятлардан фойдаланиб бу каби жиноятларни фош қилиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган қатор ишларни бажармоқда. Лекин бу турдаги жиноятларни фақат жазолаш ёки бошқа маъмурий таъқиқ йўли ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг кучи билан баргараф этиб бўлмайди. Бу саъй-ҳаракатлар



Қуролли Кучларимиз бугун нафақат юртимиз тинчлиги ва осоийшталиги таянчи, балки ўзбек халқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ВАТАН МУҲАББАТИ

бурч ва садоқатни ҳақиқий мудофаа кучига айлантиради



Шўҳрат ҲОТАМОВ, Жамоат хавфсизлиги университет доценти, полковник

Бошланиши 1-бетда

Юксалиш, тараққий этишнинг энг бирламчи зарурати тинчликдир. Тинчлик, осудалик йўқ жойда ривожланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунн ҳозир дунёнинг турли бурнақларида давом этаётган ўзаро можаролар, қуролли тўқнашувлар мисолида аяқол қўриш мумкин. Шу маънода, 2017-2025 йиллар Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун замон талабларига мос тараққий этиб, замонавий армия нуқтдан назаридан ривожланишининг янги, тарихий босқичига кўтарилиш даври бўлганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу йилларда ҳарбий соҳада кенг қўламли модернизация амалга оширилди: қўшинлар замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, ўқдорилар, коммуникация ва кузатув востилари билан жиҳозланди. Ҳарбий авиацияда янги турдаги вертолёт ва самолётлар ўзлаштирилди, ҳаво мудофааси тизимига замонавий зенит-ракетга мажмуалари жорий этилди. Полигонларда реал жанговар шароитга яқин машқлар, қўшин турлари ўртасида ҳамкорликдаги операциялар, тактик ва стратегик ўқувлар мунтазам ўтказила бошланди.

Бутунги Ўзбекистон армиясининг ҳаракатланиш тезлиги, аниқлиги, интизоми ва технологияни салоҳияти айнан шу изчил модернизация сиёсатининг бевосита натижасидир. Янги техникалар, рақамли бошқарув тизимлари, ҳамкорликда ишловчи қўшин турлари ва малакали ҳарбий кадрлар армияни минтақамиздаги энг ишончли ва жадал ривожланаётган мудофаа тизимларидад бирига айлантирди.

Халқ — ягона мақсад ва гоё атрофида бирлашган жанг куч. Аскарнинг энг катта таянчи ҳам халқимизнинг ишончи ва дуосидир. Халқ ва армия бирлиги Ўзбекистон мудофаа тизимининг энг муҳим мезонларидад. Бугун ҳарбий хизматчилар кундалик хизмат жараёнидан тортиб, дала-ўқув машғулотларигагача бўлган барча босқичда айнан ана шу тамойилга таянади.

Сўнгги йилларда ҳарбий бўлиналарда маънавий-маърифий ишлар тизими тубдан тақомиллаштирилди. Ҳарбий психологлар фаолияти кенгайтирилди, бўлиналарда психологик барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича амалий машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун ҳуқуқий саводхонлик дарслари, бўлилма командирилари билан маънавий-маърифий суҳбатлар, ёш аскарлар учун мослашув даври бўйича психологик тренинглар, оилавий масалалар бўйича психологик маслаҳатлар кенг йўлга қўйилди.

Мана шундай маънавий таянч ва руҳий барқарорлик ҳарбий хизматчининг жанговар тайёргарлиги билан бир қаторда армиянинг умумий салоҳиятини оширадиган муҳим омилдир. Аскарнинг қалбидаги Ватанга муҳаббат, зиммасидаги масъулият ва садоқат уни ҳақиқий мудофаа кучига айлантиради.

Энг муҳими, Қуролли Кучларимиз бугун нафақат юртимиз тинчлиги ва осоийшталиги таянчи, балки ўзбек халқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айланди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонн Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Бутунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айнққса ёш авлодининг онги ва қалби учун курашининг кучайиши шароитида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортб бормоқда.

Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”.

Ҳарбий йўналишдаги ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ҳам Ватанни жонидан сеувчи, унинг равнақи ва тинчлиги учун элим, юртим деб ёниб яшайдиган мард ўғлонлар, ўзбек ватанпарварларини тарбиялаб, вояга етказишдир. Бу тарбия, албатта, ахлоқий, меҳнат, эстетик, сиёсий ҳамда жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак. Тарбия турлари орасида ҳарбий-ватанпарварлик муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган йилларда миллий армиямизни ислох қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва дислокация тизимини тақомиллаштириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда бўлиналарнинг техник ва захира таъминоти тизими тубдан қайта қўриб чиқилди, аутсорсинг хизматлари ва ҳарбий кластерлар тизими йўлга қўйилди. Мудофаа санаети мажмуаси корхоналари фаол ривожлантирилмоқда, айрим турдаги қурол-яроғ ва техника турларини ишлаб чиқариш ҳамда модернизация қилишни маҳаллилаштириш жараёни бошланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “Жасорат мактаблари”даги ўқув йиғинларига 5000 дан зиёд ёш жалб қилинди.

Ҳарбий хизматчилар ва оила азозларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Қилинган ишлар натижасида қўшинларнинг тайёргарлиги самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговар руҳи ва психологик шайлиги сезиларли даражада ошди. Ҳарбий олий таълим муассасалари фаолиятида ҳарбий кадрларни илгор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Бундан ташқари, соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Жаҳондаги мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларнинг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш мақсадида қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билими ва кўникмасини ошириш, қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам равишда тақомиллаштириб бориш, ўқув жараёнига ҳарбий тайёргарлиқнинг замонавий ўсуллари кенг жорий этиш шулар жумласидан.

Буларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, чакирқича қадар бошлангич тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирларида ўқувчи-ёшлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги бўлажак хизмати ва Ватанимиз ҳимояси учун зарур билим, кўникма ва малакани ўзлаштиради. Улар бу машғулотлар ва тадбирларда ҳарбий иш ҳамда хизмат асосларига доир дастлабки маълумотларни олади. Қуролли Кучларимиз тарихи, бугунги фаолияти ва салоҳияти, қўшин турлари, уларнинг вазифалари, хизмат қилиш тартибига доир зарур билимларни ўзлаштиради.

Бутун соҳадаги ислохотлар доирасида ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда замон талабларига мос олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда. Мамлакатимизда кўмондонлик ва техник кадрлар тайёрлайдиган, бир неча ўқув муассасаларини бирлаштирган кўп босқичли ҳарбий таълим тизими йўлга қўйилган. Жумладан, Жамоат хавфсизлиги университетининг ташкил этилиши ҳисобига маъзур соҳада малакали офицер кадрлар тайёрланаётгани фикримиз тасдиқдир.

Таълим-тарбия масаласи ҳар бир давлат учун муҳим вазифа. Ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибаси жамият ҳаётини ўзгартришга қаратилган ҳар бир ислохот айнан таълим тизимидан бошланганини кўрсатади. Ватанпарварлик тарбияси пойдевори эса ҳарбий таълим муассасаларида қўйилади.

Бизнинг асосий вазифамиз ёшларни ана шу жараёнга жалб қилиш, улар онигаги Ўзбекистон келажаги айнан ёшлар қўлида эканини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашдир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖСТ:

ТАРИХИЙ

АЪЗОЛИК

ОСТОНАСИДА

Таҳлил

ДАВР НАФАСИ

2026 йил 8 январь, 4-сон

3

ЎЗБЕКИСТОН

WTO

Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

ЖСТга қўшилиш иқтисодиётни ҳамашё экспортга боғлиқликдан халос этиш, саноат ва хизматлар соҳасида рақобатбардошликни ошириш, хорижий инвестициялар учун институционал кафолатларни мустаҳкамлаш, ташқи савдо сиёсатида шаффофликни таъминлаш каби стратегик мақсадлар билан узвий боғлиқ, 2025 йилга келиб, мазкур мақсадлар декларатив эмас, балки норматив-ҳуқуқий ва музокаравий жиҳатдан аниқ контурларга эга бўла болади.

Халқаро таърибга кўра, ЖСТга қўшилиш жараёنлари кўп ҳолларда йиллаб давом этади, айрим мамлакатлар учун эса сиёсий ёки институционал сабабларга кўра тўхтаб қолади. Ўтган йил биз учун ана шу хавфларни минималлаштирган, жараёни “қайтариб бўлмас нуқта”га олиб чиққан йил бўлди.

2025 йилнинг ўзига хослиги музокаралар интенсивлигининг кескин ошиши, Қонунчилик ишловчиларининг тизимли характер касб этиши, энг юқори сиёсий даражада очик қўлаб-қувватлаш, техник салоҳиятнинг ошиши каби омиллар билан изоҳланади.

Орта қолган йилда амалга оширилган ишлар натижаси эмпирик саноатчи билан ҳам тасдиқланади: ўнлаб музокара раундлари, юзлаб ёзма саволлар, мингдан ортиқ норматив ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва ўттиздан зиёд қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши.

ЖСТга қўшилиш жараёни фақат техник мажбуриятлар йиғиндиси эмас, балки мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий обрўсига берилган баҳодир. 2025 йилда юртимизга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг муносабати сезиларли силжиш кузатилди. Бу, аввало, Йирик савдо ҳамкорлари — Европа Иттифоқи, Хитой, Буюк Британия, Россия, Канада ва Австралия билан икки томонлама келишувларнинг яқунланиши орқали намён бўлди.

Бу давлатлар ЖСТ доирасида энг талабчан ва таърибали музокарачи сифатида тан олинади. Улар билан келишувга эришиш бизнинг нафақат сиёсий хоҳишимизни, балки институционал тайёргарчилигимизни ҳам тасдиқлади. Шу билан бирга, Женева ва Нью-Йоркдаги юқори даражадаги мулоқотлар, халқаро анжуманлар ва Президент Администрацияси раҳбарининг ЖСТ марказига расмий таърифи жараёнга қўшимча сиёсий легитимлик берди. Халқаро амалиётда бу каби таърифлар музокараларни тезлаштирувчи “сиёсий сигнал” сифатида қабул қилинади.

Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнида икки томонлама бозорга кириш музокаралари (bilateral market access negotiations) номзод мамлакат учун энг мураккаб ва сиёсий жиҳатдан сезгир босқич ҳисобланади. Айнан ушбу музокаралар доирасида аъзо давлатлар номзод мамлакатдан тарифлар, хизматлар бозори, инвестиция режими ва айрим ҳолларда экспорт божлари бўйича аниқ ва ўлчанадиган мажбуриятлар талаб қилади.

Яқунланган йилда Ўзбекистон айнан шу фронтда сифат жиҳатидан катта ютуққа эришди. 34 та манфаатдор ЖСТ аъзосидан 33 таси билан икки томонлама келишувларни яқунлаш — халқаро амалиёт нуқтани назаридан жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Кўплаб мамлакатлар учун бу жараён ўн йиллаб чўзилгани, баъзилари эса сиёсий сабабларга кўра музокараларни тўлиқ яқунлай олмагани маълум.

“Агар 2025 йил ЖСТга қўшилиш жараёнида сиёсий ва техник бурилиш йили бўлган бўлса, 2026 йил ушбу жараённи ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан яқунлаш йили сифатида тарихга кириши мумкин.”

Одилжон ИМИНОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон ҳолатида эса икки муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш мумкин. Биринчиси, музокаралар интенсив ва тизимли характер касб этган бўлса, иккинчиси, келишувлар турли иқтисодий моделга эга давлатлар билан имзоланди. Бу эса Ўзбекистон тақлиф этган бозорга кириш шартлари универсал ва мувозанатли эканини кўрсатади.

Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Буюк Британия, Канада, Швейцария ва Австралия каби йирик иқтисодиётлар билан икки томонлама келишувларнинг яқунланиши тасодиқий эмас. Бу давлатлар, одатда, ЖСТга қўшилаётган мамлакатлардан юқори стандартларни талаб қилади ва техник жиҳатдан жуда деталлашган музокаралар олиб боради.

Мазкур келишувларнинг аҳамиятини қўйидаги уч ўлчовда баҳолаш мумкин:

Биринчиси, тариф мажбуриятлари бўлиб, Ўзбекистон товарлар бўйича тариф жадалларини шакллантиришда босқичма-босқич либераллаштириш тамойилини қўллади. Бу ички ишлаб чиқарувчилар учун “шок терапияси” эмас, балки адаптация даврини назарда тутувчи ёндашув эканини аңглатади.

Иккинчиси, хизматлар бозори ҳисобланиб, хизматлар соҳасидаги мажбуриятлар, айниқса, молия, телекоммуникация, логистика ва профессионал хизматлар сегментида, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўрта ва узоқ муддатли рақобатбардошлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Келишувларда маҳаллий регулятор ваколатларини сақлаб қолган ҳолда бозорга киришни очишга ҳаракат қилинган.

Учинчиси, сиёсий ишонч. Йирик савдо ҳамкорлари билан келишувлар Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш жараёни “қайтариб бўлмас” босқичга кирганини халқаро ҳамжамиятга аниқ сигнал сифатида намён қилди.

2025 йил якунига келиб, фақат битта икки томонлама музокаранинг очик қолгани жараёнинг заиф нуқтаси эмас, балки аксинча, унинг даярли тугалланганини кўрсатади. Халқаро амалиётда айнан охириги музокаралар энг мураккаб бўлади, chunki улар кўп ҳолларда бозорга киришдан ташқари масалалар — геосиёсий ёки институционал омиллар билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича бош музокарачиси Азизбек Урунов таъкидлаганидек, айрим протоколларнинг кечикиши бозорга кириш билан бевоқиф боғлиқ бўлмаган сабаблар тўғрисида юз бермоқда. Бу эса мамлакатимизнинг техник тайёргарлиги эмас, балки музокаралар циклининг ташқи омилларга боғлиқлигини кўрсатади. Муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистон ушбу қолган музокарани ҳам 2026 йилнинг биринчи чорагида яқунлаш имкониятига эга эканини очик билдирмоқда.

Икки томонлама келишувлар қанчалик муҳим бўлмасин, ЖСТга аъзоликнинг ҳуқуқий асоси кўп томонлама форматда — Ишчи гуруҳ (Working Party) доирасида шакллантирилади. Ишчи гуруҳ ҳисоботи номзод мамлакатнинг бутун савдо режимидаги комплекс баҳолайди ва аъзоликнинг “йўл харитаси” вазифини бажаради.

Яқунланган йилда Ўзбекистон ушбу фронтда ҳам сезиларли илгариллашга эришди. Жумладан, 200 дан ортиқ ёзма саволларга жавоб берилди, 1200 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизадан ўтказилди, 65 та расмий билдиришнома ЖСТ котибиятига тақдим этилди. Бу рақамлар фақат микдорий кўрсаткич

транзит операцияларини соддалаштириш қисқа муддатда экспорт-импорт операцияларининг нархини пасайтиришга хизмат қилади. Бу эса рақобатбардошликни тартифлар эмас, логистика самардорлиги орқали ошириш имконини беради.

ЖСТ доирасида экспорт божлари алоҳида сезгир масала ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу инструмент тарихан ички бозорни ҳимоя қилиш ва қўшимча қайта ишлашни рағбатлантириш воситаси сифатида қўлланган.

2025 йилдаги ишловлар бу соҳада эволюцион ёндашув танланганини кўрсатди. Яъни экспорт божларини кескин бекор қилиш эмас, балки уларни ЖСТ қоидаларига мувофиқ шаффоф ва прогност қилинадиган механизмга айлантириш. Бу ёндашув ички ишлаб чиқарувчилар учун адаптация имконини сақлаб қолган ҳолда халқаро мажбуриятларни бажаришга йўналтирилган.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва техник регламентлар соҳасидаги ишловлар ЖСТга қўшилиш контекстида кўпинча иккинчи даражали масала сифатида қабул қилинади. Аслида, айнан шу соҳалар иқтисодиётнинг юқори қўшилган қиймат сегментларига чиқиш имкониятини белгилайди.

2025 йилда патент ва муаллифлик ҳуқуқи тизими янгиланди, техник регламентлар халқаро стандартларга уйғунлаштирилди, SPS ва TBT тизимларида институционал масъулият аниқ белгилаб берилди. Бу ишловлар экспортни фақат ҳажм жиҳатдан эмас, сифат жиҳатдан ҳам диверсификация қилиш учун замин яратди.

ЖСТга аъзолик иқтисодий тараққиётнинг автоматик кафолати эмас. У имкониятлар ва чекловлар тўғрисидаги тақлиф этувчи институционал платформа. Биз учун аъзоликдан кейинги даврда камида учта асосий сценарийни кўриб чиқиш мумкин. Биринчиси, фаол интеграция ва экспорт диверсификацияси (оптимистик). Бу сценарийда биз ЖСТ аъзолигидан стратегик инструмент сифатида фойдаланамиз.

Асосий ҳусурийлар саноат ва хизматлар экспортида янги бозорларга чиқиш, хорижий инвестициялар оқимининг ошиши, миллий компанияларнинг глобал қиймат занжирларига қўшилишида намён бўлади.

Мазкур сценарийнинг амалга ошиши учун рақобат сиёсати ва суд тизимининг самарали ишлаши, давлат корхоналарининг бозор тамойиллари асосида фойалит юритиши, экспортни

Бироқ шунинг таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 2025-2026 йилларда амалга ошираётган босқичма-босқич ишловлар айнан шу сценарийни олдини олишга қаратилган.

Ўтган йилда Ўзбекистон ЖСТга қўшилиш йўлида техник, институционал ва сиёсий жиҳатдан тарихий бурилиш нуқтасига етди. 2026 йил бу жараёни ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аъзоликдан кейинги даврга тайёргарлик кўриш йили бўлади.

Агар 2025 йил ЖСТга қўшилиш жараёнида сиёсий ва техник бурилиш йили бўлган бўлса, 2026 йил ушбу жараёни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан яқунлаш йили сифатида тарихга кириши мумкин. Бу ерда гап янги концепциялар ёки музокара форматлари ҳақида эмас, балки аллақачон келишиб олинган мажбуриятларни аниқ, изчил ва ўз вақтида мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда.

Расмий режаларга кўра, 2026 йилда Ўзбекистон олдига тўртта стратегик вазифа туради. Булар — қолган ягона икки томонлама музокарани яқунлаш; Ишчи гуруҳ доирасида кўп томонлама музокараларни тугатиш; Working Party Report’ни тўлиқ шакллантириш; Миллий қонунчиликни қабул қилинган барча мажбуриятларга мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Бу вазибаларнинг ҳар бири техник қўришни бўлса-да, амалда юқори даражадаги сиёсий мувофиқлашув ва институционал интизомни талаб қилади.

Жорий йилда қабул қилиниши режалаштирилган 29 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат сони эмас, балки уларнинг мазмунини ва ижро механизми ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2026 йил март ойида ўтиши режалаштирилган ЖСТнинг 14-Вазирлар конференцияси биз учун рамзий ва амалий аҳамиятга эга. Кўплаб эъза давлатлар, жумладан, Ўзбекистон раҳбарияти айнан шу санагача жараёни яқунлаш муаммоларини таъкидлаб келмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти консенсус асосида ишлайдиган тузилма ҳисобланади. Бу унинг кучли жиҳати билан бирга заиф нуқта-сидир. Айрим аъзо давлатлар қўшимча саволлар бериш орқали вақт ютса, сиёсий ёки геомқтисодий манфаатларини илгари сурса, номзод мамлакатдан ЖСТ доирасида мавжуд бўлмаган мажбуриятларни талаб қилса, жараён объектив бўлмаган ҳолда секинлашиши мумкин.

Бизнинг ҳолатда 2025 йилда берилган қўлаб-қувватлаш мазмунан аввал муҳокима қилинган масалаларга қайтиш билан боғлиқ экани таъкидланади. Бу эса институционал чарқоқ (process fatigue) хавфини келтириб чиқаради.

Ҳақиқат савол туғилади: иқтисодий нуқтани назардан кечкиш нимага олиб келади? ЖСТга аъзоликнинг кечикиши иқтисодий фалокат эмас, аммо у имкониятлар қийматини оширади.

Асосий оқибатларда айрим экспортёрлар учун ноаниқлик сақланиб қолади, инвесторлар “кутми позицияси”ни танлаши мумкин, давлат ишловларининг ички қўлаб-қувватланиши ҳусурий хавфи пайдо бўлади.

Бироқ шунинг таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 2025-2026 йилларда амалга оширган ишловлари билан ушбу хавфларни минималлаштириш имконига эга.

Муҳим стратегик жиҳат шундаки, бизда ЖСТга қўшилиш учун реал муқобиллик мавжуд эмас. Минтақавий ёки икки томонлама савдо келишувлари ЖСТ аъзолигининг ўрнини боса олмайди. Шу боис, мамлакатимизнинг позицияси мантқий ва изчил.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш кўп ҳолларда давлатлар учун “қондаларни қабул қилиш” босқичи сифатида талқин қилинади. Бироқ мамлакатимиз мисолида аъзоликдан кейинги даврни фақат мажбуриятлар ижросиси сифатида тасаввур қилиш етарли эмас.

Амалга оширилган кенг қўламли ишловлар, халқаро музокараларда намён этилган мувозанатли ва қатъий позиция, шунингдек, давлат сиёсатидаги янгича сиёсий риторика Ўзбекистоннинг жаҳон савдо тизимида ўз ўрнини аниқ белгилаб олаётганини аққол кўрсатмоқда. Бу жараёнлар мамлакатимизнинг пассив кузатуви эмас, балки Жаҳон савдо ташкилоти қондаларини фаол ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қиладиган, ривожланаётган иқтисодиётлар овози ва манфаатларини ифода этувчи, энг муҳими, минтақавий интеграция билан глобал савдо тизими ўртасида мустаҳкам ва ишончли “кўприк” вазифини бажара оладиган таъсирчан аъзо бўлишга интилаётганини аңглатади.

Бу роль, айниқса, Марказий Осиё учун стратегик жиҳатдан ўта долзарб. Сабаби бутун кунда минтақада ЖСТ қондаларини тўлиқ ва тизимли равишда институционал даражада илгари сура оладиган барқарор иқтисодий марказ ҳали шаклланмаган. Ана шу шароитда Ўзбекистон ушбу бўшлиқни тўлдириш, минтақада савдо қондалари ва ёндашувларини мувофиқлаштирувчи таянч давлатга айланиш салоҳиятига эга эканини намён этмоқда.

ЖСТга аъзо бўлиш масаласи фақат миллий иқтисодиётимиз доирасида келаниб қолмайди. У бутун Марказий Осиё савдо архитектура-сига кенг қамровли, мультипликатив таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда. Айнан шу жараёнда Ўзбекистон “норматив экспортёр” сифатида майдонга чиқиши мумкин. Яъни мамлакатимиз ўз қонунчилик базаси, савдо тартиб-таомиллари ва институционал амалиёти орқали нафақат ички бозорни, балки қўшни мамлакатлар бозорларини ҳам халқаро стандартларга мослаштиришга таъсир кўрсатадиган марказга айланиш эҳтимоли юқори.

Иқтисодий сиёсат нуқтани назаридан энг катта хато ЖСТга аъзоликни ишловлар жараёнининг якуни сифатида қабул қилишдир. Аслида, аъзолик рақобатни институционаллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қайта белгилаш, ҳусурий сектор учун тенг ўйин қондаларини таъминлаш каби жараёнларнинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади.

Амалга оширилган ишлар шунинг кўрсатадики, мамлакатимиз раҳбарияти ЖСТга аъзоликни мақсад эмас, инструмент сифатида қабул қилмоқда. Бу эса халқаро амалиётда кам учрайдиган, аммо энг самарали ёндашувлардан бири ҳисобланади.

2025 йил Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш тарихида мазмун, натижа ва ишонч йили бўлди. Музокараларнинг даярли тўлиқ яқунланиши, қонунчиликнинг тизимли мослашуви ва юқори даражадаги сиёсий қўлаб-қувватлаш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.





2026 йил 8 январь, 4-сон

Янги Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва конструктив ташқи сиёсатида яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва халқ дипломатиясига таянилган барқарор ҳамкорлиқни ривожлантириш устувор йўналишлардан. Зеро, Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида ҳам бу жиҳат алоҳида қайд этилди: “Яқин қўшниларимиз билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз”.



Зокир ОБИДОВ,
Биродар шаҳарлар альянси раиси

Тезкор глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги расмий ҳамкорлик билан бир қаторда, шаҳарлар ва ҳудудлараро дўстона муносабатлар ҳам алоҳида стратегик аҳамият касб этиб бораётир. Айниқса, халқлар ўртасидаги ишонч, ўзаро англашув ва маданий яқинликни мустаҳкамлашда шаҳарлар дипломатияси муҳим ўрин тутди.

Шу маънода, 2025 йил 7 май куни Биродар шаҳарлар альянси нодавлат нотижорат ташкилотининг Адлия вазирлиги томонидан расман рўйхатдан ўтказилгани ташқи сиёсатимиздаги яхши қўшничилик, ўзаро

ишонч ва халқ дипломатиясининг мантиқий давоми бўлди. Альянснинг асосий мақсади Ўзбекистон ва хорижий давлатлар шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлиқни институционал асосда ривожлантириш, ўзаро дўстлик ва мулоқотни мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу платформа таълим, маданият, иқтисодиёт, туризм, экология, рақамли инновациялар ва ёшлар сиёсати каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди.

Аслида, “Биродар шаҳарлар” феномени тарихи олисга бориб тақалади. Қадимдан шаҳарлар аҳолиси ўртасида маданий, иجتимоий ва савдо алоқаларини ривожлантириш мақсадида биродарлик муносабатлари ўрнатилган. Замонавий даврда эса мазкур тушунча илк бор ўтган аср ўрталарида тилга олинган.

Унинг бевосити Ўзбекистон билан боғлиқ жиҳатига тўхталсак, 1963 йили Скопье шаҳрида кучли зилзила юз берганида бутун дунё, жумладан, Ўзбекистон ҳам жабрланганларга ёрдам қўлини чўзди. Орадан уч йил ўтиб, 1966 йил 26 апрелда Тошкентда рўй берган зилзиладан сўнг эса Македония халқи юртимизга амалий ёрдам кўрсатиб, инсонпарварлик ва бирдамлик намунасини намоян элди. Ана шу ўзаро ёрдам ва ишонч асосида 1967 йилда Тошкент ва Скопье шаҳарлари расман “биродар шаҳарлар” деб эълон қилинди. Бу ҳамкорлик Ўзбекистон тарихидаги илк биродар шаҳарлар алоқаси сифатида муҳрланиб, икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзига айланди. Шундан сўнг ушбу шаҳарлар ўртасидаги маданий-гуманитар



ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда Ўзбекистон шаҳар ва ҳудудлари 80 га яқин давлатнинг шаҳарлари билан биродарлик муносабатларини ўрнатган. Альянснинг асосий вазифаси эса ушбу ҳамкорлиқнинг шунчаки қўғоғза қолиб кетмай, амалий мазмун билан бойитилишини таъминлашдан иборат. Хусусан, биродар шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлиқни

Тошкент ва Сизтл шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари 1973 йилда ўрнатилган. Ўтган даврда ижтимоий-иқтисодий, савдо, маданий ва гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Айниқса, 2023 йилда мазкур биродарлик алоқаларининг 50 йиллиги муносабати билан “Сизтл — Тошкент биродар шаҳарлар ассоциацияси” делегациясининг Тошкентга ташрифи доирасида қатор мазмунли учрашувлар ва маданий тадбирлар ташкил этилгани ушбу ҳамкорлиқнинг юксак даражасини аққол намоян элди.

Шу билан бирга, Тошкент — Шанхай, Бухоро — Бонн, Тошкент — Берлин, Самарқанд — Юрмала, Термиз — Дабаш, Хива — Версаль каби биродар шаҳарлар ўртасидаги алоқалар ҳам бутун изчил мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч, таъриб аламушви ва қўшма ташаббусларга асосланган ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу каби муносабатлар Ўзбекистон шаҳарларининг халқаро нуфузини ошириш билан бир қаторда, маданий мулоқотни кенгайтириш ҳамда барқарор тараққиётга ҳам хизмат қилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон шаҳарларининг халқаро ҳамкорлик географияси изчил кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилда Самарқанд шаҳри ва Япониянинг қадимий Нара шаҳри ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани бу йўналишдаги ҳамкорлиқнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Икки шаҳар ҳам бой тарихий ва маданий меросга эга. Ушбу алоқалар маданий меросни асраш, туризми ривожлантириш ҳамда илм-фан соҳасида таъриб аламушига замин яратмоқда.

Қуёшли ўлкамизда пишиб етилган ҳар бир мева бетақдор таъми, хушбўйлиги ва дармон дориларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат, аввало, табиатнинг ўзи бизга инъом этган қулай иқлим ва серунум замин билан бевосити боғлиқ. Айниқса, Самарқанд тупроғида боғдорчилик нафақат хўжалик тармоғи, балки одатий кундалик юмуш сифатида ҳам кенг ёйилган. Соҳибқирон Амир Темур фахр билан “Менинг бир боғим борки, у Бухородан Самарқандгачадир”, дея таъкидлагани бежиз эмас.



Ўзбекистон бренди: ТАБИЙ МАҲСУЛОТ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ЭКСПОРТ

Бугун Самарқанд вилояти миришкорлари деҳқончилик анъаналарини замонавий ёндашувлар билан уйғунлаштирган ҳолда ички ва ташқи бозорни эризон, сифатли ҳамда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мамлакатда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминин нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам муттасил оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда ҳудуддаги аҳоли ва деҳқон хўжалиқларининг 13,2 минг гектар, фермер хўжалиқларининг эса 29,8 минг гектар мевали боғи мавжуд. Эътиборлиси, фермер хўжалиқларида тегишли боғларнинг 59 фоизи, яъни 17,7 минг гектари интенсив мевazorлардан иборат. Уларда замонавий агротехнологиялар кенг жорий этилмоқда. Жумладан, 15 минг гектар майдонда томчиликот сугориш технологиялари қўлланиб, сув тежамкорлиги ва ҳосилдорлиқни оширишга хизмат қилмоқда.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда, — дейди самарқандлик боғбон Бобур Хайдаров. — Соҳадати ислохотлар фермер ва миришкорлар учун ҳам ҳуқуқий мезон ва интилишлар гарови бўлмоқда. Президентимизнинг 2024 йил 30 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига қўра, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат йўналишида бериладиган субсидиялар белгиланди. Бу билан деҳқонларга янги имкониятлар берилди ва янги ташаббусларга асос ҳозирланди. Энди ҳудудларда шу йўналишда кўчат етиштириш, намунавий боғлар, интенсив мевazor ва узумзорлар барпо этиш, “ин vitro” усулида ниҳоллар тайёрлаш кўлами кенгаймоқда. Шу асосда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошади, нархи арзонлашади.

Бугун бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга устувор йўналишлар сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ташқи бозорларда сотиш ҳисобига мамлакат валютотушумининг сезиларли қисми шакллантирагани ҳам соҳани тубдан ислох қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устуворлигидан далолат беради. Албатта, бугун дунёда

органик маҳсулотларга талаб ўсиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашесига нисбатан узумдан 7, гилосдан 6 ва ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Ислохотлар натижасида аввал фақат байрам дастурхонларини безаб турган ноз-неъматлар ҳозир аҳолининг кундалик харид маҳсулотлари қаторига кириб, оилавий рационини бойитиб бормоқда. Вилоятда озиқ-овқат саноати йўналишидаги дастурлар ҳам самара бермоқда: 2024-2025 йилларда 6,5 минг гектар саноатлашган интенсив мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Жумладан, 2025 йил баҳорда 2300, кузда 2000 гектар саноатлашган боғ ва тоқзорлар ташкил қилинди. Масалан, Булунгурда 710, Жомбойда 151, Иштихонда 139, Каттақўғонда 354, Нуробода 231, Пайариқда 283, Ўргутда 148, Қўшаботда 184 гектар саноатлашган интенсив боғ ва тоқзор барпо этилди.

Жорий йилда ҳам соҳа ривожини жадал давом эттириш мақсадида 1,4 минг гектар саноатлашган интенсив мевали боғ ва 1,3 минг гектар саноатлашган узумзор барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва ярқис 1600 гектар боғ ва 2600 гектар тоқзор реконструкция қилиниб, улар ўрнида янги саноатлашган интенсив боғ-тоқзорлар яратилиш кўзда тутилган.

Шу тарзда виллоятдаги мева-сабзавотчилик ва озиқ-овқат саноати ривожланиши замонавий технологиялар, ислохотлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш чоралари билан уйғунлашиб, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳудудда узумчилик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Самарқанд виллоятда 55,5 минг гектар узумзор мавжуд. Шундан 45 минг гектари фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 10,5 минг гектари эса аҳоли томорқаларига тўғри келади. Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига қарашли узумзорларнинг 29,4 минг гектари ҳосилли узумзорлар. Ушбу рақамлар ортида замонавий ёндашув, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, энг муҳими, ерга меҳр қўйган меҳнатқаш инсонлар заҳмати муҳасамма. Самарқанд боғлари бугун нафақат иқтисодий барқарорлик, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим омилига айланмоқда. Бинобарин, бугун узум



етиштирувчилар ҳам давлат эътиборида. Уларга берилган имтиёзлар ва имкониятлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

— 20 йилдан буён узумчилик билан шугулланаман. Ҳозир 20 гектар тоқзоримиз бор. 2024 йили узум кўчатларини кўтариш мақсадида шпалер ўрнатиш учун субсидия олган эдик. Бу жараён ортидан ҳосилдорлигимиз қарийб икки баравар ортди. Ҳозир узум етиштириб, ҳам ички бозорга, ҳам экспортга жўнатылмиш, — дейди Самарқанд туманидаги фермер Аҳмад Ғуломов.

Ҳудудда узумчиликни ривожлантиришда замонавий технологиялар, давлат қўллаб-қувватлови ва фермерлар меҳнати ҳамжиҳатликда намоян бўлмоқда. Бу эса нафақат ҳосилдорлиқни ошириш, балки виллоят иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш имкони мавжудлиги унинг қиймат занжирини оширишда муҳим омилдир. Шу билан бирга, мазали меваларимиздан турли қувватдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ҳажминин кенгайтириш орқали ҳам импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконияти юзата келади. Шу мақсадда Самарқандда бугун 20 дан ортиқ мева-сабзавотчилик агро-клаттери фаолият юритмоқда. Улар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари инновация, ресурс тежайдиган усулларда сакланиб, қайта ишланганидан намунавий корхоналар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, йилдан йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саклаш ва қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорга харидоригар тайёр маҳсулотлар етказиб беришга қаратилган лойиҳалар ҳам самарали йўлга қўйилмоқда.

Албатта, ушбу чора-тадбирлар, маҳаллий мева-сабзавот ва узум саноатини ривожлантириш ҳаракати орқали маҳсулот ҳажми ва сифати янада ошади ҳамда аҳоли учун янги иш ўринлари очилади. Шунингдек, жаҳон бозоринда жозибадор брендларимиз орқали экспорт салоҳиятимизни намоян этиш имконияти пайдо бўлади.

Шухрат НОРМУРОВОД,
журналист



Мана шу юртнинг фарзанди, оддий деҳқон сифатида 2025 йил ҳақида ўйлаб, факат қувончли онлар ёдимга тушди. Бу туйғу беихтиёр қўлга калам олиб, дил изҳоримни бошқаларга ҳам етказиш иштиёқини уйғотди.

ДЕҲҚОННИНГ ЕЛКАСИГА ҚУЁШ ТЕГДИ



Дўстёр МАВЛОНОВ,
“Косон” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари,
“Дўстлик” ордени соҳиби

Ишонч билан айта оламаник, бахтли кунларни нафақат мен, бугун халқимиз бошидан кечирмоқда. Бугун барча соҳа ривожланиб, катта ютуқлар, янги марралар қўлга киритилмоқда. Нафақат шаҳар ва туман марказлари, чекка-чекка овуллар ҳам обод меканга айланыпти. Одамларнинг яшаш тарзи яхшиланиб, ҳаётдан розилиги ортмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бир неча йиллардан бери меҳнат қилиб келаман. Суягим далада қотган. Дастлаб хўжалиқда бригадир бўлиб ишладим. Кейинчалик фермер хўжалиқлари ташкил этила бошланди. Соҳадан хабардор киши борки, шу нишга қўл урди. Лекин бу қуруқ гап билан бўлмасди. Ер билан тиллашиш осон эмас. Мен ҳам борда таърибга тўплаб, 1996 йилда алоҳида фермер сифатида иш бошладим. Ўша йили 40 гектар ер беришди. Ярмига пахта, ярмига галла экадиган бўлдим. Режа белгиланган, бажариш керак. Шунчаки қараб турган билан биров қилиб бермайди. Енг шимариб, тракторга ўтириб ер ҳайдадик.



Ариқ қазидик. У пайтлари техника ҳам тугатилган хўжаликлардан қолган, эски эди. Бир кун фойдалансак, уч кун бузилди ётарди. Бошлаган ишимизни охирига етказгунча бир ахволга келиб қолардик. Биринчи йил режани зўрга бажардим. Аммо ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, харажат даромаддан кўп экан. Бошқалардан сўрасам, ахвол ҳаммада бирдек.

Кейинги йилларда бир оз яхшилангандек бўлди. Лекин рости, ҳеч биримиз икки бўлмади. Деярли кўпчилик қарз бўлиб қолди. Режа бажарилмаганидан айримлар умуман кўриниш бермай қўйди. Ярим йўлда ташлаб кеттиш осон эмасди. Даласига кўп меҳнати сенингданлар сабр қилишга мажбур бўлди. Ишчиларга пули ўрнига гўзаюпа, галла берадиган бўлиб қолишди. Мен қатори фермерликни бошқаларнинг кўпчилиги ташлаб кетди. Аста-секин одамларда бу йўналиш ўзини оқламай қолади деган фикр пайдо бўла бошлади. Барбиров тугатилиб кетса керак деган тахмин ҳам йўқ эмасди. Бу шубҳа-гумонлар яқин йилларда йўққа чиқди.

Сўнгги йилларда соҳага жиддий эътибор қаратила бошланди. Янги лойиҳалар жорий

этилиб, қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, ҳар бир фермернинг шароити, ерининг қолати ўрганиб чиқилди. Керакли ёрдам ажратилди. Сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, сугориш тизими яхшиланди. Янги техника олиб келинди. Агротехник восталар тубдан ўзгарди. Натияжада ишимизга барвақ кирди. Ҳаракатимизга яраша маблағ топадиган бўлдик.

Ўтган икки йилдан бери ўсишда янада янги босқичга чиқдик. Қишлоқ хўжалигига хорижий технологиялар кириб келди. Бу ривожланиш учун катта қадам бўлди. Ростини айтсам, биз каби фермер-деҳқонларнинг елкасига офтоб тегди. Негат деган саволга ўзим мисолимда айтиб берсам. Фермер хўжалигидида 94 гектар ер бор. Ҳар йили 40 гектар галла, 40 гектар пахта экамиз. Қолганига мевали дарахтлар экилан. 2024 йили 40 гектар пахтадан жами 700 миллион сўмдан зиёд дарахтдан топилди. 2025 йилда Хитой мутахассислари билан ҳамкорликда пахта етиштиришди. Бунинг самарасида 40 гектар жойининг ўзидан 2 миллиард сўмга яқин даромад олинди. Бу дегарли бир ярим баробар ўсиш дегани. Бир сўз билан айтганда, кам харажат сарфлаб, кўп даромад топдик.

Ўйлаб қарасам, шу пайтгача катта имкониятлардан фойдалана олмаган эканмиз. Фақат бир усулдан нарига ўтмай, ўзимизни ўзимиз чарчатибмиз. Албатта, бунга янги Ўзбекистонда соҳага катта эътибор тугайли йўл очилди. Энди хорижий таъриб нафақат пахта, балки бошқа ўсимликлар ҳам етиштиришда қўлланилади. Бу хирмонимизни донга тўлдириб, бозорни обод қилади.

Мен учун 2025 йил омадли бўлди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан “Дўстлик” ордени билан мукофотландим. Шу кун ҳаётимдаги энг қувончли кунга айланди. Қўзимда севинч ёшлари билан хушхабарни қарши олдим.

63 ёшга кирдим. Кўп йиллик меҳнатим учун юксак рағбат бўлди. Бундан катта куч олдим. Энди янада масъулият билан меҳнат қиламан. Мақсадим — элимиз дастурхонини тўқин, хирмонларимиз донга тўлсин.





Сарҳисоб

Бошланиши 1-бетда

Аввало, олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик тизими тус олди. Олийгоҳлар ҳузурда иш берувчилар иштирокида таълим дастурларини қайта қўриб чиқиш, амалиёт мазмунини аниқ иш ўринларига йўналтириш ва битирувчи компетенцияларни реал иқтисодий талабларга мослаштириш жараёnlари фаоллашди. Бу ҳамкорлик формал келишувлар доирасида чекланиб қолмай, таълим жараёнининг таркибий қисмига айлана бошлади.

2025 йилда битирувчиларни ишга жойлаштиришга қаратилган институционал механизмлар ҳам кенгайтирилди. Хусусан, “Келажакка қадам” дастури доирасида олий таълим муассасалари, банклар ва хусусий сектор ўртасида ўзига хос экотизим шакллантирилди. Натижада минглаб битирувчи талабалар ўз бизнес лойиҳаларини тақдим этиш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва тadbиркорликка қадам қўйиш имкониятига эга бўлди. Мазкур жараён иш билан таъминлаш тушунчасини фақат тайёр иш ўрни билан чекламай, ёшларни иш яратувчи субъект сифатида қўришга хизмат қилди.

Дуал таълим тизими эса таълим билан иш ўртасидаги узилишни бартараф этишда ҳал қилувчи омилга айланди. 2025 йилда дуал таълимни ташкил этиш тартиби тасдиқланиши олий таълим муассасаларига иш берувчилар билан ҳамкорликда кадр тайёрлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконини берди. Бу модель доирасида талабалар ўқиш жараёнидаёқ ишлаб чиқариш муҳитига кириб бориб, назарий билимининг амалий қўникмалар билан уйғунлаштириш имкониятига эга бўлди. Натижада битирувчи учун “биринчи иш жойи” муаммоси аста-секин ўз долзарблигини йўқота бошлади.

Умуман олганда, бугун битирувчиларни ишга жойлаштиришга таълим сифатини баҳолашнинг асосий индикаторларидан бири сифатида қаралмоқда.

Халқаро очиклик — глобал рақобат майдонида янги босқич

Таълим энди фақат ички эҳтиёжларни таъминлаш воситаси эмас, балки мамлакатнинг ташқи интеллектуал имижига, иқтисодий рақобатбардошлигига ва “омишқоч кучи” салоҳиятини шакллантирувчи стратегик ресурс сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараён, аввало, халқаро таълим дастурларини жорий этиш ва таълим хизматлари экспортини ривожлантириш орқали амалий мазмун касб этди.

Касбий таълим соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган ишлар

Белгиланган вазифалар таълим тизимини натижага йўналтирилган, халқаро стандартларга мос ва инвестициявий жиҳатдан жозибадор тизимга айлантиришни мақсад қилади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ҚАМРОВ КЕНГАЙИБ, МАСЪУЛИЯТ ОРТМОҚДА

Олий таълимдаги ислохотлар самараси



баҳолаш, амалий машгулотлар улушини ошириш, иш берувчилар иштирокида компетенцияларни шакллантириш каби тамоиллар тизимли жорий этилди. Натижада техникум битирувчиси муайян касбни эгаллаш билан бирга, уни халқаро стандартлар даражасида амалга ошириш салоҳиятига эга мутахассис сифатида тайёрланмоқда. Айниқса, Германия ва Швейцария таърибасига асосланган дуал таълим касбий таълимни ишлаб чиқариш билан узвий боғлашга хизмат қилмоқда. Англия ва Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги дастурлар эса таълимда инновацион технологиялар, рақамли ечимлар ва замонавий бошқарув ёндашувларини жорий этишга туртки бермоқда. Бу хилма-хиллик миллий касбий таълим тизимини бир томонлама эмас, балки кўп векторли ривожланиш йўлига олиб чиқмоқда.


Муҳандислик мактаблари: билимдан ечимга олиб борадиган янги модель

Энг муҳим институционал янгиликлардан бири муҳандислик таълимини мазмунан қайта ташкил этишга қаратилган илгор муҳандислик мактаблари ташкил этилгандир. Ушбу ёндашув орқали муҳандислик таълимини анъанавий назарий тайёргарлик доирасидан чиқариб, аниқ технология ечимлар, амалий тадқиқотлар ва саноат эҳтиёжлари билан узвий боғлаш мақсад қилинди. Хусусан, олийгоҳларда “яшил” энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, транспорт, қурилиш ва саноат каби стратегик аҳамиятга эга йўналишларда 14 та муҳандислик мактаби ташкил этилди. Бу мактаблар мамлакат иқтисодиётида узоқ муддатли

рақобатбардошликни таъминловчи соҳаларга қаратилган бўлиб, муҳандислик тафаккурини замонавий технологиялар билан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Муҳандислик мактаблари ташкил этилиши таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги анъанавий узилишни бартараф этишга қаратилган тизимли ечим сифатида намоён бўлади. Ушбу мактабларда таълим жараёни фақат аудитория билан чекланмай, лаборатория тадқиқотлари, саноат корхоналари билан қўшма лойиҳалар, стартап ташаббуслар ва инновацион ишланмалар орқали бойитилмоқда. Натижада муҳандис кадр тайёрлаш жараёни “билим бериш”дан “инженерлик ечими яратиш” босқичига кўтариламоқда. Айниқса, “яшил” энергетика ва сунъий интеллект йўналишидаги муҳандислик мактаблари глобал тенденциялар билан ҳамнафас ривожланаётгани эътиборга молик. Бу йўналишларда тайёрланаётган мутахассислар нафақат ички бозор эҳтиёжларини таъминлаш, балки халқаро лойиҳаларда иштирок этиш салоҳиятига эга кадрлар сифатида шаклланимоқда. Шу билан бирга, машинасозлик, транспорт ва қурилиш соҳаларидаги муҳандислик мактаблари миллий саноатни технологик модернизация қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни чуқурлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратишга хизмат қилмоқда.

Муҳандислик мактабларида муҳандис муаммони кўра олади, уни таҳлил қилади ва жавобгарлиқни ўз зиммасига олган ҳолда ечим тақлиф этадиган ижодкор мутахассис



сифатида тарбияланади. Таълим жараёнида фан, технология ва инновация бир бутун занжирга айланиб, ёшларнинг илмий салоҳияти реал иқтисодий қўймат касб эта бошлайди. Умуман олганда, муҳандислик мактаблари сифат ўзгаришининг ёрқин намунаси бўлиб, таълимни миллий тараққиётнинг технологик драйверига айлантириш йўлида қўйилган стратегик қадам сифатида баҳоланади.

Натижага ўтиш даври

2025 йилда шаклланган институционал пойдевор 2026 йилга келиб, таълим тизимини янада чуқур ислоҳ қилиш, меҳнат бозори, халқаро стандартлар ва инвестиция муҳити билан узвий боғлашга тақозо этмоқда. Шу маънода, 2026 йил учун белгиланган устувор вазифалар таълим соҳасида миқдорий кўрсаткичлар билан бирга аниқ натижаларга эришишни кўзда тутувчи янги босқични ифода этади.

Аввало, ёшларни эрта касбий йўналтириш масаласи тизимли ёндашув асосида ҳал этилади. 2026 йилда умумтаълим

КУЗГУ

5

2026 йил 8 январь, 4-сон



мактабларининг 9-синф битирувчиларидан 30 фоизини техникумларга қамраб олиш режалаштирилгани таълим траекториясини илк босқичданоқ мақсадли белгилашга қаратилган муҳим қарордир. Бу ёндашув орқали “мактаб — техникум — иш ўрни” занжирини барвақт шаклланиб, ёшларнинг меҳнат бозорига мослашуви тезлашади.

Касбий таълимда халқаро ўлчовни кенгайтириш ҳам устувор йўналишларидан бири бўлади. Жумладан, 100 та техникумда халқаро таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу орқали касбий таълим миллий эҳтиёжлар билан чекланмай, глобал меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурлари сони 120 тага етказилиши режалаштирилгани мазмунини халқаро баҳолаш механизмлари орқали тақомиллаштиришга қаратилган. Бу жараён университетларни ички рақобатдан ташқи академик рақобат муҳитига олиб чиқиб, таълим сифатига талабни оширади.

Таълим соҳасини ривожлантиришда инвестиция омилга ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. 2026 йилда жами 80 миллион доллар миқдорига хорижий инвестиция маблағларини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, шундан 51 миллион долларни давлат кафолатидаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, олий таълимда инфра-тузилмавий имкониятларни кенгайтириш ҳам давом эттирилади. Олийгоҳларда қўшима 4000 ўқув ўрни очилади. Бу талаб ва демографик босимни ҳисобга олган ҳолда қўрилаётган тизимли чорадир. Ниҳоят олий таълимнинг халқаро очиклигини таъминлаш мақсадида олийгоҳлар томонидан хорижий фуқароларга грант бериш амалиётини қўллаш кўзда тутилмоқда. Бу ташаббус таълимни фақат хизмат экспортни эмас, балки интеллектуал ҳамкорлик ва маданий мулоқот воситаси сифатида ривожлантиришга хизмат қилади.

Белгиланган вазифалар таълим тизимини натижага йўналтирилган, халқаро стандартларга мос ва инвестициявий жиҳатдан жозибадор тизимга айлантиришни мақсад қилади. Бу эса янги Ўзбекистонда таълимни стратегик тараққиётнинг энг муҳим устуларидан бири сифатида мустаҳкам қарор топаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЁШЛАР —



Максуджон ЮЛДАШЕВ,
Жиззах давлат педагогика
университети ректори,
профессор

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётида янги босқични белгиллаб берувчи стратегик дастурдир. Бинобарин, унда кўтарилган ҳар бир масала, ҳар бир ташаббус юртимиз раванакига, халқимиз фаровонлигига дахлдор. Инсон капитали, ёшлар салоҳияти, инновация, спорт ва жамият бирдамлигини мустаҳкамлашга қаратилган долзарб фикрлар илм йўлида фаолият юритаётган инсон сифатида шахсан мени жуда руҳлантирди.

Ўзбекистон — ёшлар мамлаката. Бу катта куч ва келажақ дегани. Энг асосийси, бизда ана шу куч ҳар доим эътиборда. Шу боис, келажакка мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Ўз навбатида, ёшлар ҳам юртимиз шарафини улуғлаб, ардоқлаб дунёга танит-япти. Дейлик, бу йил Ўзбекистон футбол терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этади. Миллий терма жамоамиз сафида Жиззах давлат педагогика университети талабаси Русланбек Жиянов ҳам бор. Бу биз учун юксак фахр, албатта.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари ўқувчи ва талабаларнинг халқаро олим-

Юксалиш палласи



МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

интеллектуал лабораторияси ишга туширилади. Бу муҳим инфратузилма лойиҳалари тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги,



геология, банк-молия ва жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради. Бугун юртимизда минглаб иқтидорли ёшлар АТ ва сунъий интеллект бўйича фаол тадқиқот ўтказмоқда. Улар квант технологиялар, дронлар, робототехника ва бошқа замонавий йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга таъбиқ қилиш имконига эга. Шу мақсадда ташкил этилиши режалаштирилган “Рақамли технологиялар маркази” ёшларнинг инновацион салоҳиятини мустаҳкамлаш, илмий лойиҳаларни тизимли амалга ошириш ва рақамли технологиялар соҳасида миллий кадрларга талабни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшларнинг талаб юқори касблар бўйича дунёда рақобатбардор ва ҳатто олдинда бўлишини таъминлаш мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу сабабли Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг илгор таълим дастурлари жорий этилган техникумлар сони 100 тага етказилади.

Мамлакатимизда касбий таълим тизими 2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган ҳудудларда Илгор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” моделлари асосида йўлга қўйилади. Бу ерда иш берувчилар билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, дуал таълимни самарали ташкил қилган корхоналарга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Юқори натижа кўрсатган талабалар учун эса янада оширилган миқдордаги моддий рағбат берилади. Бу ёшларнинг олий таълимга интилишини кучайтиради ҳамда уларни касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Янги рақамли экотизимни жорий этиш орқали олийгоҳ битирувчилари ҳамда иш берувчилар ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган тизим барпо этилади. Унда талабаларнинг академик кўрсаткичлари ва корхоналардаги бўш иш ўринлари ҳақида

маълумотлар онлайн жойлаштирилади. Бундай инновация ёндашув талабаларнинг мос иш топиши, иш берувчиларнинг эса малакали кадрларни тез ва самарали жалб қилиш имконини оширади. Ушбу кенг қамровли ислохотлар ва стратегик ташаббуслар мамлакатимиз таълим, технология, иқтисодиёт ва тadbиркорлик соҳаларида янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Давлатимиз раҳбарининг “Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила — оилага, қўшни — қўшнига кўмак бериб ишлаган”, деган гапи барчамизнинг қалбимизга чуқур ўрнашган ҳақиқатдир.

Бугунги демократия шароитида турли фикрлар бўлиши табиий, аммо 38 миллион нуфусли халқимизни бирилаштирувчи ягона улуг ғоя Ватан ва халқ манфаатидир. Шу улуг мақсадга эришишда Президентимиз маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекёйс эканини алоҳида таъкидлаб, 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилди. Ушбу ташаббусни бутун жамоатчилик қизгин қўллаб-қувватлади.

Маҳалла миллионлаб ёшлар ва оила дегани. Бу ердаги ўзгаришлар келажақ авлодлар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатади. Шу маънода, маҳаллалар қиёфасини янги Ўзбекистон қиёфасига мослаштириш борасидаги сазй-ҳаракатлар ёшлар ҳаёти, таълим-тарбиясида ақс этади. Зеро, ҳар бир фуқаро ислохотлар натижасини кундалик ҳаётида ҳис қилиши керак. Биз ҳам университетда таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни жамият манфаати билан уйғунлаштириш, маҳалла, оила ва қўшничилик муҳитига хизмат қиладиган маънавий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этамиз.

Мақсадимиз аниқ: Президентимиз айтган юксак маррага эришиш — Ўзбекистонни дорамда ўртадан юқори мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, Учинчи Ренессанс авлодининг тарбиялаш ва жамиятни бирдамлик асосида юксалтиришдир.

СИДҚИДИЛДАН ҲАРАКАТ

тамоиш

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР ЭЖАНМИЗ, БИРДАМЛИКДА ГАП КЎПЛИГИНИ АНГЛАЙМИЗ



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Биз яшаётган ўзгаришлар даври ҳар биримиздан она заминини севишнинг янги-ча, янада прагматик ва самара келтирувчи усуллари талаб қилаётгани бор гап. Бугунги қаҳрамон кўлида қалам, компьютер сичқончаси ёки лаборатория ускуналарини тутган, ўз билими билан миллат шаънини дунё аренасига олиб чиқаётган заковат эгасидир. Айни пайтда ватанпарварлик тушунчасига “Ватаним менга нима берди?” деган исъёмолчилик кайфияти билан эмас, балки “Мен Ватаним ривожига қандай ҳисса қўшапман?” деган дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Инсон қалбидаги Ватанни севиш туйғуси шунчаки туғма инстинкт эмас, балки йиллар давомида сайқалланиб, жамиятдаги воқеалар ривож билан бойиб борадиган мураккаб ижтимоий-руҳий феномендир. Биз кўпгина буюк ўзгаришларни юқори минбарлардан кутишга ўрганиб қолганимиз, бироқ аслида ҳақиқий эврилишлар ҳар бир инсоннинг онгу шуурида, дунёқароши ва ҳаётга муносабатига содир бўлади. Масалан, оддий деҳқоннинг ўз ерига меҳр билан уруғ қадаб, униб чиққан ҳар бир нихол билан тиллашиниш ҳамда хосилини исроф қилмай эл дастурхонига етказиши ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Қачонки ҳар бир касб эгаси ўз фаолиятини юксак қадрият даражасида билса, иш жойини ҳалоллик ва масъулият даражасида айлантирса, ана ўшанда мамлакатда мислсиз юксалиш жараёни бошланади.

Замонавий ватанпарварлик, аввало, ўз касбининг устаси бўлиш ва ҳар қандай ишни виждонан, мукамал бажаришда акс этади. Оддий ўқитувчининг чекка қишлоқдаги мактабда фидойилик билан дарс ўттиши, шифокорнинг бемор ҳаёти учун сўнгги дақиқагача курашиши ёки курувчининг бино пойдеворини жавобгарлик ҳисси билан қўйиши айни пайтда ўз юксак ватанпарварлик намунасидир. Жамиятда ўз ишига масъулиятсиз ёндашиш, вақтни беҳуда сарфлаш ёки коррупцияга йўл қўйиш Ватанга хиёнат билан баробар баҳоланиши лозим. Чунки сифатсиз бажарилган ҳар бир иш мамлакат тараққиётини ортга суради ва халқ фаровонлигига соя солади. Бугуннинг қаҳрамони ўз соҳасидаги муаммолардан нолимайдиган, ақсича, уларга ечим топиш учун тинмай изланадиган, “муаммо бу — имконият” тамойили асосида яшайдиган инсондир. Айнан шундай кишилар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мотори вазифасини ўтайди ва бошқаларни ҳам ўз ортдан эргаштиришга қодир бўлади.

Шу ўринда бугун дунё минбарларида, халқаро спорт ареналарида ёки нуфузли илм-фан даргоҳларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарётган юртдошларимизнинг

жасорати ва матонати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Улар минглаб қақирим олисда бўлишига қарамай, қалбида Ватан ишқи жўш урган ҳолда бутун дунёга Ўзбек халқининг буюк салоҳиятга эга эканини амалда исботлаб келмоқда. Ватан номини халқаро микёсда улугʻлаётган ёшларимизга яна бир бор назар ташлар эканмиз, уларнинг муваффақияти ортида кўзга кўринмас, аммо тоғдек таянч бўлиб турган яна бир қатлам — ота-оналар, устоз ва мурабийларнинг заҳмати ётганини эътироф этмаслик адолатсизлик бўлади. Чемпион спортчининг онаси тунлари бедор бўлиб қилган дуоси, иқтидорли олимга илм сирларини ўргатган ўқитувчининг сабр-тоқати, ёш санъаткорни қўллаб-қувватлаган оддий халқнинг олқиши — буларнинг барчаси ғалабанинг ажралмас таркибий қисмлари. Демак, ғолиблик шохсўласида турган биргина инсон тимсолида аслида бутун миллатнинг, миллионлаб юракларнинг оруз-умиди ва меҳнати мужассам.

Айнан мана шу нуқтада ватанпарварликнинг биз илгарамаган, аммо жуда кучли ва таъсирчан янги қирраси намоён бўлади. Дунёнинг нариги чеккасида, шахмат тахтаси

ва тарихини тарғиб қилиш, турли асоссиз хуружларга қарши маърифат билан жавоб қайтариш ҳам бугунги зийлининг бурчидир. Ёзилаётган ҳар бир шарҳ, жойланаётган сурат ёки видеолавҳа ортида Ватан обрўси турганини ҳис қилиш, виртуал оламда ҳам юксак маданият намунасини кўрсатиш ўзигимизни ҳурмат қилиш демакдир. Глобаллашув даврида миллий ўзлиқни сақлаб қолиш масаласи ҳам ватанпарварликнинг ўзаги. Зеро, ўз тили, тарихи ва маданиятини унутган халқ келажакка дадил қадам ташлай олмайди.

Ўзбек тилининг бой имкониятларини дунёга намойиш этиш, интернет тармоғидаги миллий контентни сифатли ва ишончли маълумотлар билан бойитиш, Википедия каби халқаро платформаларда Ўзбекистон ҳақидаги мақолаларни кўпайтириш — буларнинг барчаси бугунги зийлининг виждонини олдидаги вазифаси бўлиши керак. Биз дунёга фақат ҳомашё сотиш билан эмас, балки Навоийнинг ҳикматлари, Улугбекнинг заковати, Йон Синонинг тиббиётга оид мероси ва бугунги ёшларнинг инновацион ғоялари билан танилишимиз мақсадга мувофиқ.



устида дона сураётган гроссмейстеримиз ғалаба қозонганда Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоғида яшовчи оддий инсоннинг кўзига ёш келиши, қалбида чексиз ғурур туйиши шунчаки ҳиссиёт эмас, балки буюк бирдамликнинг миллий ўзлиқни англашнинг юксак кўринишидир. Биз шу ўринда “ғойибдан қўллаб-қувватлаш” феноменига чуқуროқ ёндашсак, бу шунчаки пасив кузатувчилик эмас, балки фаол энергетик алмашув жараёни эканини англаб етамиз. Сиз ўз уйингизда ўтириб, экран орқали ватандошнингизга мухлислик қилаётганингизда, ич-ичингиздан унга куч-қувват тилаганингизда, мазкур мусбат энергия масофаларни енгиб ўтиб, ўша инсонга руҳий қўмак бўлиши ҳаётий ҳақиқатларга мос келади.

Мазкур жараёнда ғолиб чиққан қаҳрамон ва унинг йотугидан қувонган ватандош ўртасида кўринмас, аммо узилмас руҳий ришта мавжуд бўлиб, бу ришта икки томонни ҳам тенг даражада ватанпарвар мақомига кўтарди. Сабоби шундаки, Ватан номини дунёга танитаётган инсоннинг мақсади юрт бейроғини юксалтириш бўлса, уни ғойибдан қўллаб-қувватлаб, йотукларидан ўзини қўярга жой тополмай қувонаётган одамнинг мақсади ҳам айнан шу ният билан муштаракдир. Демак, ватанпарварлик фақат бевосита ҳаракат қилувчида эмас, балки шу ҳаракатга руҳий қувват берувчи, миллат йотугини ўзининг шахсий йотуги деб қабул қилувчи инсонда ҳам бирдек жўш уради.

Бугунги глобаллашув шароитида ватанпарварлик ахборот майдонида ҳам ўз аксини топтомоқда. Яъни интернет тармоғида, ижтимоий платформаларда ўз юрти ҳақида ижобий фикр билдириш, унинг маданияти

Шу билан бирга, замонавий ватанпарварлик инновацион фикрлашни, эскилик сарқитларидан воз кечиб, ангилликка интилиши такзоо этади. Президентимиз илгари сураётган Уччири Ренессанс ғояси ҳам айнан илм-фан, таълим ва инновациялар орқали мамлакатни янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутди ва бунда ёшларнинг ўрни беқисё. Биз аждодларимиз билан фахрланиш билан чекланиб қолмай, уларга муносиб ворис бўлиш учун ўзимиз ҳам ниманидир қашф этишимиз ва келажақ авлодларга мерос қолдиришимиз лозим. Тарихий хотира бизга куч бериши, аммо у бизни орқага тортувчи эмас, балки олдинга ўндовчи машъала вазифасини ўташи даркор. Бизнинг энг катта қуролимиз — билим. Чунки замонавий дунёда давлатларнинг қудрати армияси ёки ери ости бойликлари билан эмас, балки интеллектуал салоҳияти, юқори технологияларни яратиш ва жорий этиш қобилияти билан ўлчанмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат миллий брендларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ватанпарварликни намоён этишдир. Юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш ва маҳаллий тадбиркорга ишонч билдириш орқали мамлакат ичидagi пул айланишини рағбатлантираемиз, янги иш ўринлари очилишига ҳисса қўлаемиз. Чет эл ёрлиги ёпиштирилган маҳсулотдан кўра, ўзимизнинг тупроқда етиштирилган, ўзимизнинг усталар қўлидан чиққан маҳсулотни афзал бишлиш шунчаки танлов эмас, балки миллий ғурур масаласидир. Тадбиркорларимиз ҳам, ўз навбатида, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёзув сифат белгиси бўлиши учун бор маҳоратини ишга солиши, ҳалоллиқни бирламчи мезон қилиб олиши лозим.

Креатив ёндашсак, бугун тежамкорлик ва экологик маданият ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Чунки сув, электр энергияси ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш келажақ авлод олдидаги масъулиятимизни англайди. Ўзтиборсиз қолдирилган жўмрақдан оқаётган сувни тўхтатиб қўйган инсон, гарчи бу кичик иш бўлиб кўринса-да, аслида, мамлакат бойлигини асрашга ҳисса қўшаётган ватанпарвардир. Атроф-муҳитни тоза сақлаш, дарахт экиш, экологик муаммоларга бефарқ бўлмаслик — она табиятга муҳаббатнинг амалдаги исботи. Ватан тупроғини ўпиб, уни кўзга суртиш қанчалик муқаддас бўлса, шу тупроқни чиқиндилардан тозалаш, обод қилиш ҳам шунчалик савобли ва шарафли иш эканини англаш вақти келди, назаримда.

Шунингдек, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ватанпарварликнинг энг олий кўринишларидан бири бўлиб, қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда адолат, ривожланиш ва халқ розилиги таъминланади. Йўл ҳаракати қондаларига рива қилишдан тортиб, солиқларни ўз вақтида тўлашгача, атроф-муҳитни ифлослантирмасликдан жамоат мулкни асрашгача бўлган барча саъй-ҳаракат замирида Ватанга ҳурмат ётади. Тартиб-интизомга ўрганган, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаган жамиятни ҳеч қандай ташқи куч енга олмайди ва бундай жамият ичдан емирилишга ҳам маҳқум этилмайди.

Қолаверса, бугун хорижда яшаётган, меҳнат қилаётган ёки таҳсил олаётган ватандошларимиз билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, уларни “олтин фонд”имиз деб билиш сиёсати ҳам ватанпарварликнинг янги ўфқларини очмоқда. Улар қаерда бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг бир бўлаги эканини ҳис қилиши, ўз тажрибаси ва сармоясини Ватан равнақига йўналтириши учун барча шароит яратилмоқда. Биз “мия оқими”дан кўркмаслигимиз, ақсичча, “мия айланиши” жараёнидан унумли фойдаланишимиз, дунё тажрибасини ўзлаштирган кадрлар салоҳиятини миллий манфаатларга йўналтиришимиз зарур.

Шу билан бирга, меҳр-оқибат, саховат ва кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат бўлиб, бу ҳам ватанпарварликнинг инсоний қиёфасини белгилайди. Пандемия даврида ёки турли табиий офатлар пайтида халқимизнинг бир тану бир жон бўлиб, қийналганларга ёрдам бергани, ҳеч кимни ёлғизлатиб қўймагани маънавий илдиэларимиз нақадар чуқур эканини яна бир бор исботлади. Бойнинг камбағалга, кучлининг ожизга, ёшнинг кекса авлодга ғамхўрлик қилиши жамиятдаги ижтимоий адолат ва барқарорлиқни таъминлайди. Ҳақиқий ватанпарвар ўзининг тўқ ва фаровон яшаш билан кифояланмайди, балки ён-атрофидаги инсонларнинг ҳам ҳаётини яхшилашга, уларнинг кўнунда қувонч кўришга интилади. Бу бирдамлик, ҳамжиҳатлик бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачигдек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Ватанпарварлик шахсий манфаатлардан воз кечиб, умуммиллий мақсадлар сари интилишдир. Баъзан Ватан манфаати йўлида ўз ҳаловатидан, вақтидан, керак бўлса, мол-мулкидан воз кечишга тўғри келади ва бундай фидойилик фақат мард одамларнинг қўлидан келади. Биз ҳаммамиз катта кеманинг йўловчиларимиз; бу кема манзилга эсон-омон етиб бориши учун ҳамма бирдек ҳаракат қилиши, бир ёқадан бош чиқариши талаб этилади. Ёш авлод тарбиясида ватанпарварлик руҳини шакллантиришда қуруқ панд-насихатлардан кўра, жонли ибрат ва шахсий намуна кўпроқ фойда бериши тажрибада исботланган. Агар ота ўз ишини сидқиқидилдан бажарса, она оиласини ва маҳалласини озода сақласа, фарзанд ҳам табиий равишда шу муҳитдан андоза олади ва келажақда юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб вояга етади.

Ватанпарварлик тургун ҳолат эмас, балки доимий ҳаракат ва ривожланиш жараёнидир. У ҳар тонг уйғонганимизда “Бугун мен Ватаним учун нима қила оламан?” деган савол билан бошланиб, кун давомида қилинган хайрли амаллар билан давом этади. Халқаро майдонда юрт шарафини ҳимоя қилаётган спортчимиздан тортиб, унинг ғалабасини кўриб кўзига ёш олган кекса отахонгача, мураккаб операцияни бажарётган жарроҳдан тортиб, кўчаларимизни супураётган ободонлаштириш ходимигача — барчамизни ягона, буюк туйғу бирлаштириб туради. Бу — Ватанга муҳаббат, унинг бугунги ва эртаси учун жавобгарлик ҳисси.

Хулосамизни янада теранлаштирадиган бўлсак, ватанпарварлик — шиорлар айтиш мусобақаси эмас, балки кундалик маёда деталларда намоён бўлувчи улкан муҳаббат. Кўчада ётган чиқиндинни олиб қутига ташлашдан тортиб, давлат аҳамиятига молик улкан лойиҳаларни амалга оширишгача бўлган барча жараён ягона занжирнинг ҳалқаларидир. Агар биз буюк келажақни орзу қилсак, бугунгизини, ҳар бир дақиқамизни маъмул ўтказишимиз, ўзимизга “Мен бугун кечаги кунга нисбатан нима-ндир яхшироқ қилдимми?” деган саволни беришдан тўхтамаслигимиз лозим. Биз бир тану бир жон бўлиб, Президентимиз атрофида жипслашиб, дадил одимласак, кўзлаган юксак марраларимизга, албатта, етамиз ва дунё ҳаритасида янги Ўзбекистон номини олтин ҳарфлар билан муҳрлаймиз. Зеро, томирида буюк аждодлар қони оқаётган, қалби эгзу мақсадларга тўла халқни ҳеч қандай куч тўхтага олмайди ва унинг йўли ҳаммаша ёруғ бўлиши муқаррар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ушбу мақолани қорақалпоқ тилида ҳам ўқиш учун QR-кодни сканер қилинг!

“ХОРАЗМ – ҚОРАҚАЛПОГИСТОН” туризм ҳалқаси

Хоразм ва Қорақалпоғистондаги археологик ёдгорликлар бўйлаб йирик туризм ҳалқаси ташкил этилади. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида маълум қилди.

Амударёнинг икки соҳилидаги бу диёрнинг ўтмиши, маънавияти ва яшаш тарзи бир дарахтнинг қўш шохи каби туташиб кетган, уларни бир-биридан ажратиб тасаввур этиш имконсиз.

Тупроққалъа Афригийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Хоразмшоҳлар давлатининг мамурий, ҳарбий, диний маркази бўлган. Қалъа деворлари ва сарой меъморчилиги ўша даврда юксак цивилизация бўлганини тасдиқлайди. Ўша давр Афригийлар маданиятида Қушон подшолиги билан боғлиқлик, аҳоли дунёқарошида ҳиндуизм, буддавийлик, зардуштийлик ва қадимги юнон диний ғояларининг таъсири сезилади. Тупроққалъада қадимги Хоразм ёзуви топиладган. Яна бир мисол, Аёзқалъадир. Беруний туманидаги ушбу тарихий макон ўз даврида қамалга чидамли мудофаа иншооти бўлган. У ҳозир сийҳларга тарих, муҳандислик ва ҳарбий меъморчиликнинг аjoyиб намунасини тақдим этади.

Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган яна бир муҳим тарихий марказ — Миздакхон некрополидир. Мазкур мажмуа Хўжайли туманида жойлашган бўлиб, у сайёҳларда фақатгина зиёрат эмас, балки маданий тадқиқот манбаи сифатида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Беруний туманидаги Султон Увайс қадамжоси ислом динида катта аҳамиятга эга зиёратгоҳ. Бу маскан бутун Марказий Осиё бўйлаб зиёратчиларни жалб этиш имкониятига эга. Шунингдек,

ELLIKOALA

ушбу мақолани қорақалпоқ тилида ҳам ўқиш учун QR-кодни сканер қилинг!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Беруний туманидаги яна бир тарихий пойтахт шаҳар — Оқшахонқалъа ҳам гоат қизиқарли масканлардан.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлардан кўрпакми, туризм йўналишида Қорақалпоғистоннинг табиий салоҳияти ҳам катта. Масалан, Ахчақўл — тоза ҳаво, табиий сув ҳавзаси, қуёш ва пляж инфратузилмасига эга ҳудуд. Шу жиҳатдан у сайёҳлар учун жуда қизиқарли. Ушбу ҳудудда экотуризм ва соғломлаштириш туризми (wellness tourism) йўналишлари жорий этилса, қўшни давлатлардан ҳам сайёҳлар оқими кўпаяди деб ўйлаймиз.

Туризмга иқтисодиётнинг драйвери деб қаралади. Чунки у билан бирга хизмат

Қонақбай ТУРДИБАЕВ,
Қорақалпоқ давлат университети профессори, филология фанлари доктори

кўрсатиш, транспорт, озиқ-овқат саноати, хунармандчилик, маданий меросни сақлаш каби соҳалар ривожланади. Президентимиз илгари сураётган ташаббус “Хоразм — Қорақалпоғистон” туризм ҳалқаси қўллаб-қўрқисодий-иқтимоий масалаларга ечим беради. Аввало, Қорақалпоғистон ва Хоразмда янги иш ўринлари яратилади. Бу маҳаллий аҳолининг фаровонлигини оширади.

Ушбу лойиҳа тарихий меросни асрашга, иқтисодий барқарорлик, кўп миллатли халқимиз орасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, “бу икки халқ тақдирдош” эканини туризм ҳалқаси мисолида ҳам амалда кўришимиз мумкин бўлади.